



«ИПОТЕКА-БАНК»:

ЯНГИ УЙЛАРДА ЯНГИ ОРЗУЛАР БИЛАН



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 октябрда қабул қилинган «2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартиралли уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳрида ва республикамизнинг бошқа шаҳарларида хонадонлар майдони 406,4 минг квадрат метр бўлган 191 кўп квартиралли уйлар қурилиб, реконструкция қилинмоқда. Натижада жорий йилнинг ўзидеёқ уй-жой шароитлари яхшиланишига муҳтож бўлган 7919 оила арзон ва шинам уй-жой билан таъминланади.

— Ҳозирги кунда республикамиз аҳолисини арзон ва шинам кўп квартиралли уй-жой билан таъминлаш босқичма-босқич амалга оширилмоқда, — дейди «Ипотека-банк» АТИБ Ипотека ва истеъмол кредит бошқармаси бошлиги ўринбосари Бобур Нурмухаммедов. — Унинг дастлабки туловлари қаватлар жойлашувига қараб амалга оширилиши барчага бирдек манзур бўлмоқда. Масалан, биринчи қават учун 35, иккинчи қават учун 40, учинчи қават учун 25, юқори қаватлар учун 10 фоиз дастлабки туловни амалга оширган фуқаролар уйга кўчиб кирганларидан сўнг уч йил мобайнида 7 фоиз имтиёз билан кредит тўлаб боришади. Уч йил имтиёзли давр тугагач, қолган муддатга марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасига мувофиқ кредитни 14 фоиздан тўлашади.

Жорий йилда қурилатган 191 арзон кўп квартиралли уйлар ипотека кредити асосида ажратилган бўлса, 2018 йилда яна 335 шундай уй қурилиб, аҳолига имтиёзли равишда берилиши режалаштирилган. Айни пайтда ушбу кўп квартиралли уйларни қуриш ҳаракати бошлаб юборилган.

2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартиралли уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастури қай даражада амалга оширилатганлигини ўрганиш жараёнида республика шаҳарларида арзон уй-жойларга бўлган эҳтиёж юқори даражада қолаётганлиги аниқланган. Уй-жойга муҳтож 27 мингдан зиёд оила Дастур доирасида қурилатган кўп квартиралли уйлардан сотиб олиш истагини билдириб, ҳудудий комиссияларга мурожаат қилган. Бу уй-жойларнинг арзон ва имтиёзли нархларда берилишининг сабаби, биринчи навбатда, қурилиш жараёнида оптимал вариантда ишлаб чиқилганлиги ҳамда қурилиш маҳсулотлари ўзимизнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналардан арзон нархларда етказиб берилаётганлиги бўлса, иккинчидан, қурилиш ташкилотлари бир қатор солиқлардан озод қилиниши ва ичимлик суви, газ, электр энергияси, оқова сув тармоқларининг ўтказилиши давлат бюджети ҳисобидан



«Ипотека-банк» АТИБ жамоаси:
— *Азиз ҳамюртлар, барчангизни кириб келаётган Янги — 2018 йил билан муборақбод этамиз!*

Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, барака тилаб қоламиз. Янги йил давомида ҳаётингиз янги ютуқлар ва хурсандчиликларга бой бўлсин!



Imkoniyat yaratamiz

www.ipotekabank.uz

молиялаштирилиши уй-жойларнинг аҳолига мақбул нархларда сотилиши билан изоҳланади.

— Юнусобод туманида беш йилдан бери 3 нафар фарзандим билан ижарада яшаётгандик, — дейди Умида Толипова. — Туман ҳокимлигига уй-жой олиш учун мурожаат қилганимизда, комиссия аъзолари вазиятни ўрганиб, бизга тезда уй берадиган бўлишди. Уй-жой учун барча зарур ҳужжатларни топширганимиздан кейин орадан уч ой ўтиб, бизга 3 хонали квартира

ажратилди. Ҳозирда Сергели туманида барпо қилинган кўп қаватли уйлардан бирида яшаймиз. Мен бугун жуда ҳам бахтли онаман. Сабаби, атрофимизда фарзандларимиз учун барча шарт-шароит яратилган. Боғча, мактаб, сув ҳавзалари дейсизми, оилавий поликлиникада кўрсатилаётган хизматни кўриб, баҳри дилингиз очилади. Янги массивда қад ростлаган бир-бирдан кўркам бинолар ҳар қандай инсоннинг кўзини қувнатди.

— Кенг, ёруғ ва шинам хоналарда, айниқса, болаларимнинг яйраб уйнаётганини кўриб, қайфиятим кўтарилади, — дея суҳбатимизга қўшилади Тўйчиной Дадабоев. — Сабаби, бир хонали уйда тиқилиб яшаган одам буни яхши тушунали, Анчадан бери уйимизни кенгайтириш ниятида юргандик. Давлатимиз томонидан уй-жойга эҳтиёжманд оилаларнинг кўп квартиралли арзон уйлар билан таъминланиши мақсадимизни амалга оширишга туртки бўлди. Имтиёзли нархларда икки

хонали уйга эга бўлдик. Қолаверса, бундай уй-жойларнинг «Ипотека-банк» томонидан 20 йил муддатга имтиёзли нархларда берилиши ёш оилаларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг намунаси десак, муболаға бўлмайди.

— Биз ҳам янги уйда янги ҳаёт бошлаётган ёш оилалардан биримиз, — дейди икки хонали уйга яқинда кўчиб ўтган Рамзиддин Арипов. — Чилонзор туманида икки хонали уйда уч ака-ука яшардик. Боз устига, Чилонзорда кўп қаватли уйларнинг аксарияти жуда тор қурилган. Йўлак-лари, хоналарнинг ичма-ич жойлашуви кўпчилик учун яшашга қийинчилик туғдираётганди. Сергелида қад ростлаган янги уйлар ўзимизнинг миллий менталитетимиздан келиб чиқиб қурилгани ва лойиҳалаштирилгани барчага бирдек манзур бўлмоқда. Насиб этса, бу хонадонларда тўйлар қилиш ниятидамиз. Фарзандларимиз ҳар томонлама соғлом ва баркамол ўсиб-улғайиши учун ҳам қулай шарт-шароитларнинг яратилганлиги ота-оналарни қувонтирмоқда.

«Ипотека-банк» республика бўйича филиаллар тармоғини ривожлантириб, узоқ муддатли ипотека кредитлари асосида уй-жой қурувчи ташкилотларга кредит ажратиш учун маҳаллий ва хорижий инвестиция маблағларини жалб қилиб келмоқда.

Энг муҳими, муассасанинг молиявий хизматлари асосида республикамизнинг турли ҳудудларида бир-бирдан кўркам, замонавий кўп қаватли уйлар қад ростлади. Уйлар атрофида аҳолининг барча турмуш ва маиший эҳтиёжларини қамраб олувчи савдо ҳамда хизмат кўрсатиш объектлари ишга туширилмоқда.

Қисқа фурсатларда 13 гектар майдонда 66 та кўп қаватли уй-жой қад ростлади. Бунёд этилган маъкур массивда 240 ўринли мактабгача таълим муассасаси, 630 ўринли ўрта таълим мактаби, 61-оилавий поликлиника, ёпиқ сузиш ҳавзаси, шаҳар милиция бўлини, почта ва китоб дўкони, дам олиш масканлари, болалар майдончалари, автомобиль турар жойлари, велотрасса барпо этилган.

«Ипотека-банк» томонидан бугунги кунда юртимизнинг ҳар бир гўшасида замонавий, қулай ва кўркам турар жойлар барпо этиш, маиший хизмат кўрсатиш қўламини кенгайтириш, ободонлаштириш ишлари қизғин давом этмоқда.

Барчага аёнки, бугун жамиятимиз ҳаётидаги барча ислохотлар, хусусан, уй-жойлар қурилишига доир саъй-ҳаракатлар мамлакатимиз шаҳару қишлоқларининг меъморий қиёфасини ўзгартириш, маҳалла ва гузарларга замонавий архитектура услубини олиб кириш ҳамда шу орқали халқимизнинг ҳаёт даражаси, турмуш сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Шу боис, ушбу эзгу юмушларга сафарбар қилинган ҳар бир масъул шахс, хусусан, «Ипотека-банк» жамоаси ўз зиммасидаги вазифаларни виждонан ва сидқидилдан бажаришни мақсад қилган.

Шаҳноза РЎЗИЕВА

Жорий йилда қурилатган 191 арзон кўп квартиралли уйлар ипотека кредити асосида ажратилган бўлса, 2018 йилда яна 335 шундай уй қурилиб, аҳолига имтиёзли равишда берилиши режалаштирилган.

«ЎЗАГРОЛИЗИНГ»

акциядорлик жамияти жамоаси:


— Юрдошларимизни 2018 йил билан
муборакбод этамиз!

Янги йил Ўзбекистонимизга фаровонлик,
хонадонларимизга файзу тароват олиб келсин!
Сиз, азизларни Янги йил қувончи ва орзулари
асло тарк этмасин!



O'ZAGROLIZING
AKSIYADORLIK JAMIYATI

ТЕЛЕФОН: +998 71 244-62-73
E-MAIL: info@agroleasing.uz



Хизматлар лицензияланган.



ASIA ALLIANCE
BANK

☎ 231-60-00
www.aab.uz

Хизматлар лицензияланган.

«ASIA ALLIANCE BANK» кириб келадиган
Янги — 2018 йил билан ҳамюртларимизни табриклайди!
Барчага соғлиқ, бахт ва фаровонлик тилайди.
Байрам арафасида Янги йил совғаси
сифатида фарзандингизга индивидуал
дизайнли карта олишни таклиф этади.



«ТРАСТБАНК»

хусусий акциядорлик банки жамоаси

юрдошларимизни Янги — 2018 йил
билан қутлайди!

Янги йилда барча эзгу ниятларингиз рўёбга чиқсин!
Ҳар бир кунингиз қувончлардан иборат бўлсин!

«Трастбанк» хусусий акциядорлик банки миждовлар учун барча турдаги
книг қўламли банк маҳсулотлари ва хизматларини таклиф қилади.

Call center: (998 71) 140-00-88

www.trustbank.uz

«Трастбанк» — Ишонч билан юзма-юз!

Хизматлар лицензияланган.



Qishloq Qurilish Bank

Барча юрtdошларимизни кириб
келаётган Янги — 2018 йил билан
табриклар, қуйидаги омонат
турларини таклиф этади:

Миллий валютада:

“Кафолат” —

Маблағлар 3 ойдан 12 ойгача бўлган
муддатга қабул қилинади.

Ҳисобланган фоизлар
капитализация қилиб борилади
ва омонат муддати тугагандан
сўнг тўлаб берилади.

Хорижий валютада:

“Капитал”-

Маблағлар 12 ой
муддатга қабул қилинади.

Ушбу омонатга ҳисобланган
фоизлар ҳар ой
якунида омонатчининг талаби
асосида тўлаб берилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги
омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Мурожаат учун: (+99871) 150-72-58, 150-39-93.

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

«ЎЗДАВЭНЕРГОНАЗОРАТ»

инспекцияси жамоаси

халқимизни Янги —

2018

йил билан қутлайди!



«O'ZBEKOZIQOVQATZAXIRA»

УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини **ЯНГИ — 2018 йил**
билан табриклайди!

Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва
технологияларни қўллаб-қувватлаш йили
барчамизга муборак бўлсин!



2018 йилда юртимиздан тинчлик, хонадонларимиздан
шоду хуррамлик, дастурхонларимиздан файзу барака аримасин!

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Saidkamol XODJAYEV

Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1238
8762
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 02:10
Topshirilgan vaqti — 03:45

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



1 2 3 4 5